

ВАТАНДОРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2000 йил, 11 май, пайшанба № 57 (1321).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 11 мая, 2000 г. № 57 (1321).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

ИНСОН ХОТИРАСИ—МУҚАДДАС



Президент Ислам Каримовнинг Фармонида кўра, халқимизнинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этган фарзандлари хотирасини абадийлаштириш бугун ҳам эл-юртимиз обрўини юксалтиришга, ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни ҳурматлаш мақсадида мана инки йилдирки, мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланмоқда. Айтиш мумкинки, бу нафақат жанг майдонларида қурбон бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида фидокорона меҳнат қилган отахон ва онахонларимизга иззат-икром кўрсатиш, мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз улушини қўшиб келаятган фахрийларимизни ардоқлаш борасидаги хайрли ишлардандир.

Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ миқёсида нишонланишини таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг бирламчи вазифаси, мамлакатимиз фуқароларининг маънавий бурчига айланган. Ушбу қутлуг сана шарофати билан бугун республикамизда минглаб уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, совғасаломлар улашилди. Уруш даҳшатларини кўрган, истибод зулминини тортган ва истиқлол кунларига етган фахрийлар билан учрашувларда кишиларимиз маънавий бейимокда, қалбларидан уйғоқ хотира ва фахр туйғуси мустаҳкамланмоқда.

Умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунининг ўтказилиши, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 55 йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорини қабул қилиниши ҳам фахрийларимизга бўлган ғам-хўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент шаҳри марказида барпо этилган Хотира майдони халқимизнинг миллий қадриятлари, ўтганлар руҳига чуқур ҳурмати ўзида мужассам этган, миллий меъмورлик анъаналари асосида бунёд этилган ҳақиқий зиёратгоҳга айланди.

9 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хотира майдонини зиёрат қилиб, «Мотамсаро она» ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйди. Давлатимиз раҳбари бу ерга йиғилган уруш ва меҳнат фахрийларини қутлуг байрам билан самимий қутлади.

Шу ернинг ўзида Юртбошимиз оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарди:

— 9 майни нима учун Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаймиз деганда, мен аввало шунини айтмакчи, бу кунда юрт озодлиги, халқимизнинг бугунги ҳаёти учун жонини фидо қилган ота-боболаримиз хо-

тираси, жигарбадларини қутиб қалби фарёдга тўлган муноси онахонларимиз олдида бош эгамиз, — деди жумладан Ислам Каримов. — Инсон хотираси — муқаддас. Шундай экан, мана бир йилдирки бу майдонга зиёратга келувчилар сафи узилмаёган, зиёратчилар мармар лавҳаларда ота-боболари номларини кўриб, кўзларига ёш олаётганини ўзи амалга ошираётган савобли ишларимизга берилётган муносиб баҳо, деб ўйлайман.

Хотира нафақат ўтмишнинг унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунини тўғри тасаввур этиш, демокдир. Хотира инсонни келажакка оқиб кўз билан қарашга ўргатади. Шу боис, бугунги ёшлар оталаримизнинг юртимиз эркин ва озодлиги, миллатимиз раънақини йўлида чеккан заҳматлари, кўрсатган жасоратларини унутмаслиги, улардан ибрат олиб яшашларини даркор.

Қадрлаш эса, хонадонларимизга файз-баракат бағишлаб, қилаётган эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тилаб ўтирган қарияларимизнинг ҳурматини жойига қўйишдир. Зеро, мўътабар отахон ва онахонларимизнинг ҳаётлигида қадрлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Беҳзод УСМОН
(ЎЗА).
Абдувоҳид ТУРАЎЕВ
олган сурат.

ТОПГАНИМ—ҚАДР, ХОТИРАМ—ТИРИК

Тарихнинг гувоҳлик беришича, юртимизга бостириб келган истилочиларнинг саркардаси ўз шохига нома йўллаб, «Бу халқни енгиб бўлмайди. Чунки унда қудратли куч—тарихий хотира бор экан», деб ёзади. Истиқлол сабаб тарихий хотирамиз тикланмоқда, ўша қудратли куч бизни буюк ишларга ундамоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил топган янги байрамимиз — Хотира ва Қадрлаш куни замирида миллат қалби, миллат юзи мужассам. Аждодлар руҳига таъзим қилиб, тирикларни қадрлаш азал-азалдан қонимизда бор. Бу умумхалқ байрами эса уни олий бир қадрият даражасига олиб чиқди.

Мотамсаро она пойига анвойи гуллар қўяётган нуруний отахонга разм солинг. Гулни қўяётиб, қўллари тиграб кетди, қалби тиграб кетди. Балки шу озод ва обод ҳаётни армон қилиб ўтганларни, халқ эрки йўлида шаҳид кетганларни, умрининг сўнгги нафасигача ернини, жигарпорасини қутиб мотам либосини ечмаган аёлни хотиралаётгандир шу лаҳзада. Аччиқ хотиралар қалбдаги ярани тирнайди. Мотамсаро онага, унинг йўлидаги, кўзидаги дард, мунгга тик қараб бўлмайди. Анави болакайга қаранг. Майдондаги Хотира маж-



мундан бобосининг номини излаётир. Кўрсаткич бармоғи ниҳоят таниш фамилия устида тўхтади. Юраги бир орзиқди, бир орзиқди. Болакай бобосини кўрмаган, лекин сурати уйининг тўрига осиглиқ. Шунинг учун қиёфаси мудом кўз унгида. Маҳалласида шу озод ҳаёт йўлида фидойилик кўрсатган,

не-не заҳматларини чеккан нурунийлар тирик. Болакай ана шу ёши улуг, нуруний инсонларга қиёслайди ўз бобосини. «Менинг бобом ҳам шу отахонлардек бағрикенг, фидойи, олижаноб инсон бўлган», — дейди ўзига-ўзи. Нуруний отахонларга гул тўтиб, кучоғига сингиб кета-

ётган болакай ўз бобосининг бағрида яйраётгандек бўлади.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни республикамизнинг барча жойида шунга ўхшаш манзаранинг гувоҳи бўлгансиз. Чунки бугун мустақил тузум даврида топталиб келинган инсон қадри, инсон хотираси янги маъ-

мун, маъно касб этадиган кун. Бугун ёш авлод — буюк келажак давомчилари аждодлари хотираси олдида таъзим қилишади, боболари, момолари қалбидеги яраларга дармон бўлиб, улар ҳурматини жойига қўйишади.

(Давоми 2-бетда).

ПОНЕДЕЛЬНИК, 15.05

7.00, 13.00 Мультфильмы. 7.40, 23.30 «Манекенщица».

ВТОРНИК, 16.05

7.00, 13.00 Мультфильмы. 7.30, 10.30, 13.30, 16.30, 19.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт».

19.00 24 часа из жизни провинции. 19.45, 5.00 Фильм «Ставка больше чем жизнь».

СРЕДА, 17.05

7.00 Мультфильмы. 7.30, 19.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт».

ЧЕТВЕРГ, 18.05

7.00, 13.00 Мультфильмы. 7.30, 10.30, 13.30, 16.30, 19.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт».

17.30 Фильм «Вызываем огонь на себя». 3-я серия. 19.00 Страна моя.

ПЯТНИЦА, 19.05

7.00, 13.00 Мультфильмы. 7.30, 10.30, 13.30, 16.30, 19.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт».

13.00 Мир ислама. 13.25 Театр на экране. «Зыковы». 1-я серия.

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 21.05

7.00 Новые имена. 7.25 Мультфильм. 8.10, 22.55 Фильм «Потоп».

15 МАЯ

Профилактика на канале до 15.00. 15.00 «Олгия».

9.00 «Давр».

11.45 Из архива док. кино. «Чудеса Риштанга».

17.30

«С любовью к вам...» 18.00, 21.00, 23.30. «Пойтахт».

17.10 Мультфильм.

18.00-18.35 «Телемажор».

18.00-18.35 «Клубничка».

18.00-18.35 «Королева сердец».

14.00, 17.00 Новости (с сурдопереводам).

14.55...До шестнадцати и старше.

17.55 Как это было. Поворот северных рек. 1984 год. 18.35 «Нежный яд».

5.00, 6.00, 7.00, 16.00, 18.00, 22.00 Вести.

5.35, 7.35 Семейные новости.

7.50, 13.05 День за днем.

9.40 Дорожный патруль.

10.00 Новости.

10.10 «Космос в мире».

10.15 «Суд и возмездие».

7.00, 7.30, 7.45, 8.00, 8.30, 8.45, 9.00, 9.30 «Сегодня утром».

7.35, 8.50 Большие деньги. 7.50, 9.15, 18.35 Впрон.

7.00, 9.15 «Настороженно».

9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 19.15, 21.00, 24.00, 1.00 «События».

10.00 Момент истины. 10.50, 00.45 Петровка, 38.

11.00 «Улы любви».

11.30 «Секреты долголетия».

11.55 «Суд и возмездие».

19.00 «Полдень-пятница». 19.30 «Вести».

19.45 «Секретные материалы». 20.00 «Вести».

20.30 «Вести». 20.45 «Вести».

21.00 «Вести». 21.15 «Вести».

21.30 «Вести». 21.45 «Вести».

21.55 «Вести». 22.10 «Вести».

22.25 «Вести». 22.40 «Вести».

22.55 «Вести». 23.10 «Вести».

23.25 «Вести».

